

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ОЛИЙ ТАЪЛИМИДА ДУНЁ УНИВЕРСИТЕТЛАРИ ҚАДРИЯТ ТИЗИМИ МОДЕЛЛАРИ АҲАМИЯТИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.11660874>

Мадаева Шахноза Омонуллаевна

ЎзМУ Фалсафа ва мантиқ кафедраси мудири, ф.ф.д., проф.

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистон олий таълим тизимида қадрият тамойилларини халқаро тажрибага асосан яратиш тажрибаси ҳақида гап кетади. Дунё тажрибасида катта эътирофга эга бўлган университетларнинг ўзлари жойлашган мамлакатлар тараққиётига қўшган улкан ҳиссасига эътиборан яратган қадрият феномени тизимли таҳлил этилади.

Калим сўзлар: Учинчи ренессанс, олий таълим, университет, қадрият, идентиклик, хусусий университет, прогресс, таълим тизими.

ANNOTATION

This article analyzes the experience of forming value principles in the higher education system of Uzbekistan based on international experience. A systematic analysis of the phenomenon of value created by universities is carried out, which has received great recognition in world experience, taking into account the great contribution made to the development of the countries where they are located.

Key words: Third Renaissance, higher education, university, value, identity, private university, progress, education system.

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируется опыт формирования ценностных принципов в системе высшего образования Узбекистана на основе международного опыта. Проводится системный анализ феномена ценности, создаваемой университетами, получивший большое признание в мировом опыте, с учетом большого вклада, внесенного в развитие стран, где они расположены.

Ключевые слова: Третье Возрождение, высшее образование, университет, ценность, идентичность, частный университет, прогресс, система образования.

Инсоният тарихида университетлар XII асрдан вужудга кела бошлаган. Илк ўрта асрлар Шарқ донишмандлик уйлари каби билим масканларини

ташқил этиш анъаналари Европага тез кириб борди. Бутун дунёни комплекс олиб қараш маънасида олинган univer сўзи уни ўрганувчи фанлар комплексини англатувчи атама сифатида universitat сўзи орқали анлана бошланди. Бу даврдаги университетларнинг кадрият тамойили Илк ўрта асрдан бошлаб ўзини экзистенциал англай бошлаган инсоннинг дунё ҳақидаги билимларини таъминлаш асосига қурди. Университетлар дастлаб давлатлар диний тизимда бошқарилган вақтларда ҳам дунёвий илм берувчи, давлат бошқарувини илм-фан асосига қуриш истагини билдирувчи мамлакатлар ҳудудларида ташқил этила бошланган. XIII асрда ҳатто Париж университети талабалари сони унда яшовчи шаҳар аҳолиси сонидан кўп эди. Инсоният тарихининг турли мураккаб ўтиш босқичларида университетлар давлатлар тараққиётига ғоявий, иқтисодий, маданий ечим бера оладиган восита сифатида қаралган. Аста секин давлатлар имиджи, салоҳияти унда мавжуд университетлар ва олимлар обрўси, уларнинг кашфиётларига қараб белгилана бошлади. Хусусан XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб шакллана бошлаган дунё сиёсий қиёфаси Европа давлатларида Шарққа нисбатан бошланиши керак бўлган империалистик сиёсатни университетлар аудитория ва лабораторияларидаги ғоялардан бошлади. XIX аср Ғарб мустамлакачилик сиёсатининг илмий томонига университетлар орқали тамал тоши ясади. Европанинг континентал моделдаги университетлари шакллана бошланди. Университетлар қошида марказлар, нашрётлар илмий тадқиқот фондлари вужудга кела бошлади 1795 йилда Парижда Осиёнинг жонли тилларини ўрганувчи марказ ташқил этилди ва ушбу марказ Европа ориенталистикасининг юрагига айланди. Шу даврдан бошлаб бу соҳага доир махсус журналлар пайдо бўла бошлади, хусусан, “Осиё журнали” (1823), “Қироллик Осиё жамиятининг журнали”(1834), “Немис Шарқ жамиятининг журнали”(1845) ва бошқалар шулар жумласидандир. Мазкур журналларда Ғарб шарқшуносларининг илмий изланишлари натижалари бирин-кетин нашр қилина бошланди. Янги давр университетларининг давлат тараққиётлари учун асос бўлишга хизмат қилувчи концепциялари яратила бошланди. Германия тарихида Гумбольдт университетига асос солиниши ҳам давлатнинг Шарққа бўлган сиёсий-стратегик қизиқишлари билан боғлиқ бўлди. Чунки Гумбольдт университетининг кадрият тизимини яратиш концепцияси таълим ва илмий тадқиқот бирлиги билан амалиёт учун кучли кадрларни етказиб беришдан иборат бўлган.

Дунёни янги фикр тараққиёти билан қуроллантирган янгича анъаналари АҚШ университетларида атлантик модел шаклида яратила бошланди. Қўшма штатлар таълим сиёсати “инсонга таълим бериш орқали фуқаролик жамиятини ёки америка миллатини яратиш” ни мақсад қилиб қўйган. Унда илмий

тараққиёт билан таълим соҳасини интеграциялаш орқали университетнинг барча кадрларини билимда мукаммал ва соҳа бўйича рақобатбардош қилиб етиштириш ва асосийси уларни ўз соҳасининг меҳнат бозоридаги новатори қилиб тарбиялаш бош мақсаддан иборат бўлди. АҚШ университетлари ўз-ўзини иқтисодий бошқарувчи федерал штатларда жойлашгани учун кучли рақобат ва кадр бозори учун кураш шароитида доимий ривожланиб боришга мажбур. Шунинг учун АҚШ университетларида илмий тадқиқот етакчи ўринда туриб, таълим ва тадбиркорлик илмий тадқиқот натижаларини оммалаштириш воситаси бўлиб хизмат қилади. АҚШда ички ялпимаҳсулотнинг энг катта қисми таълим сиёсатига ажратилган бўлсада, университетлар ўз-ўзини ташкил этиш учун моддий таъминотда давлатдан мустақил бўлишни истади ва бошқа университетлардан фарқ қиладиган соҳалар, имконият ва таклифларни ишлаб чиқиш устида доимий ишлайди.

АҚШ университетларининг етакчи кадрият тизими вазифаси жамият учун маданиятни баланслаштирувчи ва мултикулькурал жамиятда либерал муносабатларни изга солувчи функциядан ҳам иборатдир. Шунинг учун бу университетлар таълим бозорида бошқа мамлакатларни ҳам дистанцион равишда эгаллаш ва таълим беришда юқори сифатни таъминлаган ҳолда ўзига миждоз излаб топишни мақсад қилиб қўйган.

Америка олий таълими АҚШ давлат сиёсатининг юқори нуфузга эга бўлган, давлат сиёсатида барча имкониятлар яратилган қисмидир. Чунки АҚШ университетлари стандартлари энг юқори сифатли илмий тадқиқотлар ва уларга асос бўлувчи таълим сифатига қурилган бўлиб, бу моделда давлат сиёсати университетларни эмас, балки университетлар давлат сиёсати векторларини бошқаради.

Бу сиёсатни амалга ошириш учун АҚШ университетлари ўзларининг шиорлари, талабаларга келажакда ўз ўрнини юқори малакали кадр сифатида эгаллашга иштиёқ берувчи даъватлари мавжуд. Биргина Гарвард университетининг бир йиллик даромади 50 млрдга яқин бўлиб, кампус, яъни давлат ичидаги давлат ҳисобланади. Дунё илм-фанининг энг олдинги сафида бўлиш ва дунё таълим сиёсати тенденцияларини белгиловчи империя бўлиш бу сиёсатнинг етакчи мақсади ва концептуаль ғоясидир. Чунки бунинг натижасида дунё стратегик тараққиёти ва гегемонлик сиёсати асослари яратилади, фан кашфиётлари геостратегик мақсадлар йўлида сафарбар қилинади.

Ҳозирги кунда глобал таълим тараққиёти инсониятнинг янги парадигмал тараққиётга қадам қўяётган босқичида Ўзбекистон олий таълими тизимида университетларда кадрият концепциясининг гуманитар характерини сақлаб қолишни, шу билан ўзгаришлар давридан ўзи хизмат қиладиган жамиятни

талофатсиз олиб чиқиб кетишини таъминлашни тақазо этади. Олий таълим кадрият концепцияси жамиятда илм-фан кадриятини таъминлаш орқали юртимиз учун юксак илмий, маданий, сиёсий идеалларни реал ҳаёт вазиятларига жорий қила оладиган кадрлар сиёсатини ташкил этишдан иборатдир. Университетдек мураккаб тузилмавий социал институтнинг турли тармоқларида инсон субъектлари ва ижтимоий марказида Ўзбекистон жамияти учун илмий, педагогик фаолият билан шуғулланувчи, ўз-ўзини креатив тафаккур билан комилликка томон шакллантирувчи, инновацион ғоялар билан жамият ва давлат тараққиётига ҳисса қўшувчи компетент инсонни тарбиялаш мақсади ётади.

Ўзбекистон олий таълими Учинчи ренессанс таълим тизимида олган билимларини креатив ривожлантириш, ўз соҳасида новатор ғоялар бунёдкори бўлиш орқали Замоनावий Ўзбекистон тараққиётига бевосита ҳисса қўшиши зарур бўлган кадрларни тайёрлаши даркор.

Шунингдек, замонавий олий таълим жаҳон андозаларига мос фундаментал тадқиқотлар олиб бориш, фаннинг муҳим соҳалари бўйича янги илмий мактабларни шакллантириш ва улар фаолиятининг давомийлигини таъминлаш, ривожланган мамлакатларнинг университетлари билан илм-фан ва олий таълим соҳасида ўзаро тенг манфаатли ҳамкорликни янада кенг йўлга қўйиш имкониятларига эга бўлиши зарур.

Учинчи ренессанс олий таълими ўз кадрият тамойилларига амал қилиш ва уларни сақлаб қолишда замонавий глобал вазиятда дунёнинг тараққий этган университетлари ёндашувларини эътиборга олиши, уларга амал қилиши зарур бўлиб, булар узлуксиз таълим инновацияларига йўл очиб бериш учун қатъий таълим стандартларидан воз кечиш, таълим муассасасини илмий-тадқиқот университетига айлантириш, инсон капиталига катта эътибор бериш, регионал биқикликдан дунё профессионал ҳамжамияти тармоқларига ўтиш, университетдан ташқаридаги таълимга эҳтиёжманд структураларни ўзига боғлаб олиш вазифаларидан иборатдир.

Хулоса қилиб айтганда дунёда мавжудликнинг ҳақиқий ва виртуал шакллари ўртасида чегара ювилиб, онлайн ва офлайн, реал ва масофавий таълим шакллари университетларда таълимнинг қатъий шаклига айланиб улгураётган бир даврда фақат Учинчи ренессанс олий таълим тизими кадрият концепцияси тамойилларигина таълимнинг гуманистик характери орқали ёш кадрларни тарбиялаш, уларни ҳаётга тайёрлаш, Ватан ва давлат манфаатлари йўлида фаолият олиб бориш, илм ва инсонийлик кадриятларини боғлай олиш функцияларини бажара олади.